

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11188921>

## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСИҚА ТИНГЛАШ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Собиржон Муҳаммадиев**

ЎзДК қошидаги Б.Зокиров номидаги миллий  
эстрада институти катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳозирги замон муסיқий таълимининг долзарб муаммоларидан бири бўлган муסיқа тинглаш маданиятини шакллантириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, таълим тизимининг барча босқичларида бу масалага ёндашиш жиҳатларига атрофлича тўхталиб, мавзу бўйича амалий хулосалар келтириб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Муסיқий таълим, муסיқа тинглаш, акустика, мумтоз, миллий оханг, товуш баландлиги, ҳис-туйғу.

**Аннотация:** В данной статье речь идет о формировании культуры слушания музыки, которая является одной из актуальных проблем современного музыкального образования. Также подробно рассмотрены аспекты подхода к данному вопросу на всех этапах системы образования и даны практические выводы по теме.

**Ключевые слова:** Музыкальное образование, слушание музыки, акустика, классика, национальная мелодия, динамика, чувство.

**Annotation:** This article is about the formation of a culture of listening to music, which is one of the pressing problems of modern music education. Aspects of the approach to this issue at all stages of the education system are also discussed in detail and practical conclusions on the topic are given.

**Key words:** Musical education, music listening, acoustics, classical, national melody, volume, feeling.

Ҳар бир тарихий даврининг маданияти ва санъати бўлганидек, ҳар бир халқнинг ҳам ўз маданияти ва санъати асрлар олиб шаклланиб, сайқал топиб авлоддани явлодга мерос сифатида ўтиб келади. Юракларни жунбушга келтирадиган муסיқий меросимиз улуг устозлар ёқиб кетган сўнмас

чиروقлардир. Бу асарларни мукаммал ўзлаштириш, маромига етказиб юксак даражада ижро қилиб, кенг омма орасида тарғиб этишга эришган, созандагина халқимиз ҳурмат эътиборига муяссар бўлади.

Марказий Осиё қадимдан юксак маданият ўчоғи, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машҳур бўлиб келган. Бу заминдан етишиб чиккан буюк олимлар жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келишган. Халқимизнинг мусика бойликлари ҳам улкан ва кўп қиррали, сермазмун ва ранг-барангдир.

Ўлмас мумтоз мусиқий хазинамиз, халқ ижоди, мақомлар халқимиз орасида профессионал ва ҳаваскор созандалар ижроларида доимо янграб келган. Асрлар оша устозлардан - шогирдларга, авлодлардан - авлодларга ўтиб, мукаммаллашиб, бойитилиб, бизнинг давримизгача яшаб келди ва халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Оҳангдор куйларимиз кишига қувонч бахш этади, шу билан бирга оғир дамларини енгил қилади. У инсоннинг олийжаноб фазилатлари, ҳис туйғуларини ифодалаб берувчи кучга эга. Ана шундай куйларни талқин этишда ўзбек халқининг маънавий ва миллий бойлиги ҳисобланган танбур, дутор, қонун, уд, най, рубоб, чанг, гижжак, дойра каби миллий чолғулари мавжуд. Бу чолғулар ҳар қандай қалбларни ўзига ром этишга қодир.

Шарқнинг буюк мутафаккири Фаробий ўзининг "Мусика ҳақида катта китоб" асарида мусиқани уч турга ажратади. Унинг фикрича, мусика инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади, иккинчи биринчи хил мусика хили эҳтиросларни қўзғайди ва жўшқинлантиради, учинчи хили эса ўйга толдиради, фикрлашга ва тафаккур қилишга мажбур этади. Фаробий мусиқанинг ривожланиш босқичларини, унинг инсон руҳига таъсир қилиши ва маънавий озуқа бериши, шу орқали уни яхши ишларга руҳлантиришини, хурсандчилик ва қайғуда инсонга ҳамдам бўла олишини, мусиқа инсонни эзгу ишларни амалга оширишга чорлай олиши тўғрисида ўз фикрларини билдирган.

Яна бир буюк олим, дунё тиббиётининг асосчиси Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" китобида мусиқанинг руҳий таъсир кучига баҳо бериб, гўдакнинг тарбиясидаги аҳамиятини оддийгина таърифлайди: "Гўдакнинг вужуди чиникиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси онанинг қўшиғи (алласи). Биринчиси боланинг танасига, иккинчиси-руҳига тегишлидир". Мусиқанинг инсон ҳаётида тутган ўрни шу билан аҳамиятли-ки, у даволовчи, аниқроғи, жисм ва руҳни муолажа қилиш усулларидадан бўлиши билан бирга, маънавий тарбиянинг муҳим воситаларидадан бири ҳамдир.

Бизнинг таълим-тарбия тизимимиз ҳар бир ўқувчида мавжуд бўлган иктидор, қобилиятни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган, уларнинг индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашувни инкор этмайди.

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Ҳар бир бола биринчи тарбияни ўз ота-онасидан, аъзоларидан, ўз атрофидаги Оиладаги ижобий муҳит, оила аъзоларининг ўзаро Муносабатлари, бир-бирига бўлган ҳурмат ва эътибор, меҳрибонлик, ўзаро ёрдам ва уларнинг муסיқага бўлган муносабатлари болаларда дастлабки тушунча ва кўникмаларининг ривожланиб боришида муҳим ўрин тутади. Марокли ва маънавий завқ берувчи гўзал туйғу болалар ва ўқувчиларнинг айникса, нафосат тарбиясига кучли таъсир кўрсатади. Мафкуравий полигонлардаги курашлар кундан кунга хавфлироқ тус олаётган ХХІ асрда огоҳликни бой берган халқ бошига қандай офатлар ёғилишини турли давлатларда юз бераётган нотинчликлар, хунрезликлар яққол кўрсатиб турибди. Сайёрамиз бўйлаб инсон онги ва қалби учун жиддий кураш кетаётган бугунги кунда зиёлилар, ижод аҳли, хусусан санъаткорлар ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли бўлишлари талаб этилади. Чунки айна замоннинг ёшлари асосан санъаткорларнинг ортидан эргашмоқда, кийиниш, муомала, юриш-туришгача машҳур кўшиқчиларга таклид қилишга ҳаракат қилмоқда. Демак, бугуннинг санъаткори нафақат ўз хулқ-атворида, балки келгуси авлод маънавиятига ҳам жавобгарлигини ҳис этиши, репертуарига катта аҳамият бериши, нуксонларга йўл қўймаслиги даркор. Бу борада оила, мактаб, маҳалланинг ҳамкорлиги долзарб масала бўлиб турипти. Республикамиз радио-телевидениеси орқали кўп чиқишлар, таникли тарбиячи педагоглар, ёзувчилар, санъаткорлар суҳбатлари, билдираётган фикрларига қулоқ солиш, ёшлар билан мунозара ва баҳслар ўтказиб туриш ҳам аҳамиятлидир. Бундай мавзуларда мактаб, ўрта махсус ўқув юртлиари ҳамда олий даргоҳларда ёшлар билан суҳбатлар уюштириш, уларнинг фикрини тинглаб, тўғри йўл кўрсатиш устоз-мураббийларнинг муҳим вазифаларидандир.

Президентимизнинг “Бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатида, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларни юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият куришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз”, деб айтган фикрлари ёшларимизга бўлган ишончнинг нақадар юқори эканлигидан далолатдир. Бугунги ёшлар шунга лойиқ, ҳар бир ишда фаол бўлишларини истаб қоламиз.

Мустақил Республикамизда ёшларни тарбиялаш ва уларни Ўзбекистоннинг келажаги учун ҳизмат қиладиган инсонлар қилиб

шакллантиришга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг фикрлари асосида яратилган "Баркамол авлод орзуси" номли китобда ёшларни тарбиялаш ва уларни баркамол инсонлар қилиб шакллантириш замон талаби эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Президентимиз ёшларни тарбиялаш барча инсонларнинг вазифаси эканлигини, бу борада ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўрни катта эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Муסיқа дарсларининг мазмуни фақат маълум бир муסיқа материали эмас, балки ўқувчилар онгининг воқеъликка муносабатини ривожлантиришини эстетик ва хулқ маданиятини ривожланиши ва бошқа ички хис-туйғуларнинг шаклланишидаги ўзгаришлар назарда тутилади.

Муסיкий дидни шакллантириш ва тинглаш учун мазмунли асарларни тинглаш тавсия этилади. Синфларга бўлинган ўқувчилар учун асарлар танлаб олинади. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари учун мураккаб бўлмаган, диққат-эътибори унча барқарор бўлмаган, шўхроқ, ўйинқароқлик акс этган кичик ҳажмдаги асарлар жонланади. Юқори синф ўқувчилари учун мукамал, ўзининг куй ва сўз сеҳри уйғунлашган асарлар эшиттирилади. Бундай асарлардан ташқари мумтоз кўшиқлар ҳам ўқувчилар учун тарбиявий, маънавий, эстетик, бадиий маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Тинглаш маданияти ривожлантиришда тарбия тизими муסיқа ҳаётида етакчи ҳисобланади. Ҳозирги кунда муסיқа ва умуман санъатни инсон тарбиясидаги роли ортиб бормоқда. Маънавий ахлоқий тарбиянинг асосий воситаларидан бири ўзбек халқ кўшиқлари ҳисобланади. Ашула айтиш санъатнинг алоҳида ўзига хос бир туридир. Ана шу ўзига хослик муסיқа, куй, шеърӣ асар ҳамда ашула ижрочининг таркибий равишда кўшилиб кетишида ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг асоси ҳисобланган одоб ахлоқ тарбияси маънавий дунёкарашнинг шаклланиши билан узвий боғлиқир. Фаол ҳаёт йўли жамият олдидаги бурчга онгли равишда ёндашиш сўз ва ишнинг бирлиги иноннинг кундалик ҳаётӣ меъёрига айланиб қолишидан Буркхеч нарса шахсни юу тушунчаларни тарбиялаш маънавий тарбиянинг вазифасидир.

Муסיқа тинглаш маданиятини бола эндигина дунёга келган кундан бошлаб шакллантириш лозим. Бола учун махсус яратилган бу кўшиқ киши онгига она сути билан қиради. ранг-баранг оҳанглар, мукаммаллашиб боради. Кейинчалик у тобора кенгаяди, хилма-хилрамзлар, сўзлар билан мукаммаллашиб боради. Улуғ ҳаким алла айтаётган онанинг куйни ижро қилаётганда газаб, ғамгинлик, чўчиш сингари салбий ҳолатлардан холи бўлишини маслаҳат беради. Демак,

алла уни куйлаётган онанинг калбида ҳам меҳр-муҳаббат, ҳисларини уйғотиш билан бирга, у тинглаш маданиятини ҳам акс эттириб боради.

Муסיқани тинглай билиш ҳам, ундан завқлана олиш ҳам санъат ҳисобланади. Инсонларда муסיқа тинглаш маданияти ёшлиқдан шаклланади. Ойнаи жаҳон орқали болалар муסיқа тинглаш кўникмаларига эга бўлиб борадилар. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, кишининг куйлаш имкониятларидан кўра, тинглаш имконияти кенгроқ бўлади. Муסיқа тинглаш орқали болаларнинг бадиий идроки ривожланади. Муסיқашунос олимлар болаларни муסיқий тарбиялашда муסיқа тинглаш фаолиятига алоҳида эътибор бермоқдалар. Зеро ҳар бир инсоннинг муסיқа маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муסיқа тинглаш кўникмаси муҳим ўрин эгаллайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1) Р.Қодиров. “Муסיқа психологияси” УзДК “Муסיқа” нашриёти 2005й
- 2) Б.Теплов. “Муסיқий қобилиятлар психологияси” “Учен, записки Гос. НИИ психологии” 1941
- 3) Д.Соипова. “Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси” 2009й